

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИНИНГ
ФАРМОНИ



УКАЗ
ПРЕЗИДЕНТА
РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН

2018 йил “ 4 ” апрель

№ ПФ-5398

“ ____ ” 20 г.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига
ўзгариш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек баъзиларини ўз кучини
йўқотган деб хисоблаш тўғрисида

(2017 йил 29 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга
мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати
 билан Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига
ўзгариш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-454-сонли
Ўзбекистон Республикаси Қонуни, Ўзбекистон Республикаси
Президентининг “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий
макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози прогнози ва Давлат
бюджети параметрлари тўғрисида” 2017 йил 29 декабрдаги
ПҚ-3454-сонли қарори)


2017 йил 29 декабрдаги “Солиқ ва бюджет сиёсатининг 2018 йилга
мўлжалланган асосий йўналишлари қабул қилинганлиги муносабати билан
Ўзбекистон Республикасининг айrim қонун хужжатларига ўзгариш ва
қўшимчалар киритиш тўғрисида” ЎРҚ-454-сонли Ўзбекистон Республикаси
Қонуни ҳамда “Ўзбекистон Республикасининг 2018 йилги асосий
макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари
тўғрисида” Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 29
декабрдаги ПҚ-3454-сонли қарорига мувофик:

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг айrim хужжатларига
1-иловага мувофик ўзгариш ва қўшимчалар киритилсин.
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи хужжатлари
2-иловага мувофик ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.
3. Мазкур Фармоннинг ижросини назорат қилиш Ўзбекистон
Республикасининг Баш вазири А.Н.Арипов зиммасига юклансин.

Ўзбекистон Республикаси
Президенти

Тошкент шаҳри

Ш. Мирзиёев



Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 4 апрелдаги ПФ-5398-сонли Фармонига
1-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
айрим хужжатларига киритиладиган
ўзгартиш ва қўшимчалар**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Хорижий сармоялари бўлган корхоналар ишлаб чиқарадиган маҳсулот экспортини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 1997 йил 26 августдаги ПФ-1831-сонли Фармони 1-бандининг олтинчи хатбошидаги иккинчи гап чиқариб ташлансин.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хусусий хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2005 йил 11 апрелдаги УП-3594-сонли Фармони 1-бандининг биринчи хатбошидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги” сўzlари чиқариб ташлансин.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар жалб этилишини рағбатлантиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2012 йил 10 апрелдаги ПФ-4434-сонли Фармонида:

а) 2-бандидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги” сўzlари чиқариб ташлансин;

б) 1-илова II-бўлимида:

1-бандининг биринчи хатбошидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги” сўzlари чиқариб ташлансин;

2-банди ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Эркин иқтисодий зоналар фаолиятини фаоллаштириш ва кенгайтиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 26 октябрдаги ПФ-4853-сонли Фармони 3-бандининг иккинчи хатбошидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги” сўzlари чиқариб ташлансин.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Тошкент шаҳрининг Яшнобод туманида инновация технопаркини ташкил қилиш тўғрисида» 2017 йил 5 июндаги ПФ-5068-сонли Фармони 10-бандининг иккинчи

хатбошидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги” сўзлари чикариб ташлансин.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий бюджетларни шакллантиришда жойлардаги давлат ҳокимияти органларининг ваколатларини кенгайтириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 7 июндаги ПФ-5075-сонли Фармонида:

а) 2-банди қуидаги таҳирда баён этилсин:

“2. Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва Тошкент шаҳар ҳокимлигининг 2017 йилнинг 1 июлидан бошлаб Тошкент шаҳри ва унинг туманларида тартиб ўрнатиш тўғрисидаги таклифи қабул қилинсин, унда қуидагилар назарда тутилсин:

а) даромад қисмида:

тадбиркорлик фаолиятининг айрим турлари бўйича белгиланган солик тушумлари, жисмоний шахсларнинг мулкларидан олинадиган соликлар, жисмоний шахслардан олинадиган ер соликлари, товарларнинг баъзи турлари билан савдо қилиш ва хизматларнинг алоҳида турларини кўрсатиш хукуки учун йифимлар тўлиқ ҳажмда туманлар бюджетлари даромалари хисобига ўтказилади;

Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетига тўланадиган микрофирмалар ва кичик корхоналар учун ягона солик тўлови ва бозорлардан тушаётган даромадлар Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджети ва туманлар бюджетлари ўртасида тақсимланади;

юридик шахсларнинг ер соликларидан тушадиган тушумлар, сув ресурсларидан фойдаланиш солиги, жисмоний шахслардан олинадиган мулк солиги ва бензин, дизель ёкилғиси ҳамда газ истеъмоли учун солик тўлиқ ҳажмда Тошкент шаҳри бюджетига йўналтирилади;

юридик шахсларнинг даромадларидан олинадиган солик тушумлари, ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш учун олинадиган соликлар, савдо ва умумий овкатланиш корхоналари учун ягона солик тўлови ҳамда жисмоний шахсларнинг даромад соликлари Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети ўртасида Ўзбекистон Республикаси Президенти қарори билан тасдиқланадиган Ўзбекистон Республикасининг асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисидаги нормативларга мувофиқ тақсимланади;

Ўзбекистон Республикасининг республика бюджети ва Тошкент шаҳри бюджети ўртасида, шаҳар бюджети қисмида, ўтказилган соликлардан белгиланган прогнозларни ортиғи билан бажариш суммаси, Тошкент шаҳрининг маҳаллий бюджети ихтиёрида қолдирилади;

б) ҳаражатлар қисмида:

ҳалқ таълими муассасалари, поликлиникалар, ётиш ўрнига эга бўлмаган диспансерлар, аҳолининг маданият ва дам олиши марказлари, туманлар ҳокимликлари ва уларнинг бўлимлари, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари, ижтимоий ёрдам ва ижтимоий мослашиш марказлари ва ободонлаштиришга бўлган ҳаражатлар туманлар бюджетларидан молиялаштирилиши тартиби сақланиб қолинади;

шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ички автомобил йўлларини таъмирлаш ҳаражатлари, туманлар бюджетига ўтказилади;

туманлар бюджетларидан молиялаштириладиган умум таълим мактабларининг ойлик иш ҳаки ва ягона ижтимоий тўловлар бўйича ҳаражатлари, Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан ажратиладиган мақсадли бюджетлараро трансферлари хисобига амалга оширилади;

алоҳида тоифадаги фуқароларнинг бепул ва имтиёзли йўлкираси билан боғлиқ йўловчи ташувчиларнинг даромадларининг камайган қисми чи қоплаш, транспорт воситаларини харид килиш билан боғлиқ шаҳар йўловчи траспорти ташкилотларининг ҳаражатлари Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштирилади;

туманлар бюджетларидан молиялаштириладиган маҳсус мактаблар, мактаб интернатлари ва ихтисослаштирилган мактаб-интернатларнинг таъминоти ҳаражатлари Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетига ўтказилади;

Тошкент шаҳрининг шаҳар бюджетидан молиялаштириладиган ҳаражатлар, мазкур кичик бандда белгиланган ўзгартиришларни хисобга олган ҳолда, белгиланган тартибда амалга оширилади”;

б) иловаси ўз кучини йўқотган деб хисоблансин.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси давлат солик хизмати идоралари ахборот-коммуникация тизими фаолияти самарадорлигини янада ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2012 йил 30 октябрдаги ПҚ-1843-сонли карори 2-иловасининг 27-позициясидаги “Тақдим этилаётган маълумотлар номланиши” графасида “инвентаризация киймати тўғрисида” сўзлари “кадастр киймати тўғрисида” сўзларига алмаштирилсин.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Акциядорлик жамиятларига хорижий инвесторларни жалб қилиш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2015 йил 21 декабрдаги ПҚ-2454-сонли қарорининг 4-бандидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш” сўzlари чиқариб ташлансин.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2020 йилларда шаҳарларда арzon кўп квартирали уйларни қуриш ва реконструкция қилиш Дастурини амалга ошириш чора-тадбирлар тўғрисида» 2016 йил 22 ноябрдаги ПҚ-2660-сонли қарори 19-бандининг иккинчи хатбошидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги” сўzlари чиқариб ташлансин.

10. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2019 йилларда тайёр маҳсулот турлари, бутловчи буюмлар ва материаллар ишлаб чиқаришни маҳаллийлаштиришнинг истиқболли лойиҳаларини амалга оширишни давом эттириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2016 йил 26 декабрдаги ПҚ-2698-сонли қарори 7-бандининг биринчи хатбошидаги “З йил муддатга” сўzlари “2018 йил 1 апрелгача” сўzlари билан алмаштирилсин.

11. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2017 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2016 йил 27 декабрдаги ПҚ-2699-сонли қарорида:

иккинчи хатбоши чиқариб ташлансин;

учинчи – бешинчи хатбошилар тегишлича иккинчи – тўртинчи хатбошилар деб ҳисоблансин;

иккинчи хатбошидаги “6 дан” сўzlари чиқариб ташлансин.

12. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «2017-2019 йилларда Бухоро шаҳри ва Бухоро вилоятининг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 19 майдаги ПҚ-2980-сонли қарори 10-бандининг иккинчи хатбошидаги “ободонлаштириш ва ижтимоий инфратузилмани ривожлантириш солиги” сўzlари чиқариб ташлансин.

13. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Маҳаллий давлат ҳокимияти органларининг бюджет ваколатларини кенгайтириш ва маҳаллий бюджет даромадларини шакллантиришдаги масъулиятини ошириш тўғрисида» 2017 йил 7 июндаги ПҚ-3042-сонли қарорида:

а) 1-бандидаги “Тошкент шахри ва унинг туманлари ҳокимликларига” сўзлари “Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар, Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимликларига” сўзлари билан алмаштирилсин;

б) 2-бандидаги:

учинчи хатбоши чиқариб ташлансан;

тўртинчи хатбоши учинчи хатбоши деб хисоблансан;

в) 5-бандидаги:

биринчи ва иккинчи хатбошилар қуидаги таҳрирда баён этилсан:

“5. Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши раисига, вилоятлар ва Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарлар ҳокимларига қуидаги ваколатлар берилсан:

зарур ҳолларда маҳаллий бюджетлар параметрларига тасдиқланган бюджет параметрлари доирасида ўзгартириш киритиш бўйича Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгесига, вилоятлар ва Тошкент шахри, туманлар ва шаҳарларнинг тегишли Халқ депутатлари кенгашига таклиф киритиш”;

учинчи хатбошидаги “туманлар бюджетларида” сўзлари “тегишли бюджетлар” сўзлари билан алмаштирилсан;

бешинчи хатбошидаги “Тошкент шаҳар ва туманлар бюджетларининг” сўзлари “тегишли бюджетларининг” сўзлари билан алмаштирилсан;

г) 6-бандидаги:

биринчи хатбошидаги “Тошкент шаҳар бўйича” сўзлари чиқариб ташлансан;

иккинчи хатбошидаги “Тошкент шаҳар” сўзлари чиқариб ташлансан.

14. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон ижодкорларини қўллаб-қувватлаш ««Илҳом» жамоат фондини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 9 августдаги ПҚ-3184-сонли карори 2-бандининг учини хатбошидаги “Бастакорлар уюшмаси” сўзлари “Ўзбекистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси ҳамда Қорақалпоғистон композиторлари ва бастакорлари уюшмаси” сўзлари билан алмаштирилсан.

15. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Бадиий Академияси фаолиятини ривожлантириш ва янада такомиллаштиришга доир

қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2017 йил 16 августдаги ПҚ-3219-сонли қарорининг 8-банди қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“8.Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги Ўзбекистон Бадиий академияси марказий аппаратига 2 та шахсан бириктирилган ва 1 та навбатчи хизмат автотранспорти саклаш учун лимит ажратсин”.

16. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги хузурида бюджетдан ташқари Таълим ва тиббиёт муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармасини ташкил этиш тўғрисида» 2017 йил 24 августдаги ПҚ-3242-сонли қарорида:

а) 2-банди қўйидаги мазмундаги хатбошилар билан тўлдирилсин:

“**ўнинчи**, тасдиқланган манзилли дастурга мувофик илмий-тадқиқот муассасаларининг бинолари ва корпушларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича ишларни молиялаштириш;

ўн биринчи, Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Истеъод” жамғармасига маблағлар ажратиш йўли орқали стипендиантларни хорижий таълим ва илмий муассасаларида малакасини ошириш, стажировка ўташи ва ўқитишни ташкиллаштиришни молиялаштириш”;

б) 5-бандининг тўртини хатбошидаги “Назорат-тафтиш бош бошқармаси” сўzlари “Давлат молия назорати бош бошқармаси” сўzlари билан алмаштирилсин;

в) 7-бандидаги;

иккинчи хатбоши қўйидаги таҳрирда баён этилсин:

“Ўзбекистон Республикаси Мактабгача таълим вазирлиги, Халқ таълими вазирлиги, Соғликни саклаш вазирлиги, Маданият вазирлиги, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлиги, Фанлар Академияси тасарруфида олий таълим ҳамда илмий-тадқиқот муассасалари бўлган вазирлик ва идоралар, Олий ва ўрта маҳсус таълим вазирлигининг Ўрта-маҳсус, касб-хунар таълими маркази, Ўзбекистон Республикаси Жисмоний тарбия ва спорт вазирлиги Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари билан биргаликда ҳар йили худудлар кесимида таълим ва тиббиёт муассасаларини қуриш, реконструкция қилиш, мукаммал таъмирлашга оид таклифларни шакллантирадилар ҳамда Ўзбекистон Республикаси Солия вазирлиги ва Иктисадиёт вазирлигига киритадилар”;

учинчи ва тўртинчи хатбошиларидағи “таълим ва тиббиёт” сўзлари “таълим, илмий-тадқиқот ва тиббиёт” сўзлари билан алмаштирилсин;

г) 8-банди қуидагича мазмундаги хатбоши билан тўлдирилсин:

“илмий-тадқиқот муассасаларини реконструкция қилиш ва мукаммал таъмирлаш бўйича конунчилликка мувофиқ белгиланган ташкилотларга”.

17. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Наманган шахри ва Наманган вилоятининг Поп тумани аҳолисини сифатли ичимлик суви ва канализация хизматлари билан таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 13 сентябрдаги ПҚ-3273-сонли карори 12-бандининг иккинчи хатбошидаги “ижтимоий инфратузилмани ободонлаштириш ва ривожлантириш солиғи” сўзлари чиқариб ташлансин.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг
2018 йил 4 апрелдаги ПФ-5398-сонли Фармонига
2-илова

**Ўзбекистон Республикаси Президентининг
ўз кучини йўқотган баъзи хужжатлари
РЎЙХАТИ**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Экспорт маҳсулоти ишлаб чиқарувчиларни рағбатлантириш борасидаги қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида» 2000 йил 5 июндаги УП-2613-сонли Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг баъзи фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2004 йил 8 январдаги УП-3376-сонли Фармони иловасининг 10-банди.

3. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш тўғрисида» 2005 йил 6 сентябрдаги УП-3658-сонли Фармонининг 1-банди.

4. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Солик имтиёzlари тартибга солиниши муносабати билан Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим карорларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2009 йил 17 июндаги УП-4116-сонли Фармони 1-иловасининг 3-банди.

5. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим фармонларига ўзгартишлар киритиш, шунингдек, баъзиларини ўз кучини йўқотган деб хисоблаш тўғрисида» 2010 йил 28 декабрдаги ПФ-4261-сонли Фармони 1-иловасининг 1-банди.

6. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Президентининг айрим хужжатларига ўзгартишлар ва қўшимча киритиш тўғрисида» 2017 йил 10 ноябрдаги ПФ-5231-сонли Фармони иловасининг 2-банди.

7. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2009 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2008 йил 29 декабрдаги ПК-1024-сонли қарори 31-иловасининг 13-банди.

8. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасининг 2014 йилги асосий макроиктисодий кўрсаткичлари прогнози ва Давлат бюджети параметрлари тўғрисида» 2013 йил 25 декабрдаги ПК-2099-сонли қарори 36-иловасининг 21-банди.

9. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикаси Ташки иқтисодий фаолиятни янада тартибга солиш чора-тадбирлари тўғрисида» 2017 йил 29 сентябрдаги ПК-3303-сонли қарори 1-иловасининг учинчи хатбоши ҳамда унга 2-иловаси.